



« 17 » декабрь 2019 у.

№ 1007

Toshkent sh.

## Тошкент шаҳридаги Ёджу техника институти фаолиятини ташкил этишининг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Республика иқтисодиёт тармоқлари учун архитектура ва шаҳарсозлик, курилиш, муқобил энергия, туризм ва бизнес соҳаларида халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш, олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик муносабатларини янада кучайтириш, хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан узок муддатли муносабатларни ривожлантириш ҳамда Тошкент шаҳридаги Ёджу техника институти фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

### 1. Қуйидагилар:

a) “Global education school” нодавлат таълим муассасаси ҳамда “YUKET LLC” масъулияти чекланган жамияти (Корея Республикаси) (кейинги ўринларда Муассис деб аталади) ҳамкорлигида ташкил этилган “Тошкент шаҳридаги Ёджу техника институти” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси (кейинги ўринларда Институт деб аталади) ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2018 йил 27 марта 241-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан берилган лицензия асосида 2018 йилнинг сентябрь ойидан бошлаганлиги;

### б) Муассислар томонидан Институтнинг асосий вазифалари этиб:

мехнат бозорининг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларига, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, архитектура ва шаҳарсозлик, курилиш, муқобил энергия, туризм ва бизнес соҳаларида ҳамда талаб юқори бўлган бошқа йўналишлар бўйича олий малакали кадрлар тайёрлаш;

кадрлар тайёрлашда архитектура ва шаҳарсозлик, қурилиш, муқобил энергия, туризм ва бизнес соҳалари бўйича фаолият олиб бораётган ташкилотларда талабалар амалиётини мунтазам ташкил этиш;

ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда хорижий тажрибани, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқув жараёнига малакали хорижий, хорижда таҳсил олган ва малака оширган маҳаллий мутахассисларни жалб этиш;

илмий изланишларга эҳтиёжни инобатга олган ҳолда архитектура ва шаҳарсозлик, қурилиш, муқобил энергия, туризм ва бизнес соҳаларида ҳамда талаб юқори бўлган бошқа йўналишлар бўйича инновацион ва илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш;

архитектура ва шаҳарсозлик, қурилиш, муқобил энергия, туризм ва бизнес соҳаларида илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, интеграцияни кучайтириб бориш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

## 2. Белгилансинки:

Институт масъулияти чекланган жамият шаклидаги нодавлат олий таълим ташкилоти ҳисобланади;

Институт ректори муассислар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади;

Институтнинг тузилмаси муассислар томонидан тасдиқланади;

Институт таълим фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда Ёджу технология институтининг (Корея Республикаси) ўқув режалари ва дастурлари асосида ўзбек, рус ва инглиз тилларида амалга оширади;

Институт битиравчиларига Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги хужжат сифатида эътироф этиладиган белгиланган намунадаги диплом берилади;

Институтга талабалар қабули умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотга эга абитуриентлар ўртасида кириш имтиҳонларини Ёджу технология институти (Корея Республикаси) томонидан (ёки иштирокида) ўтказиш орқали амалга оширилади;

abituriyentlarни қабул қилиш параметрлари ва тартиби, битиравчиларнинг якуний аттестацияси тартиби ва шартлари Институт томонидан Ёджу технология институти (Корея Республикаси) билан келишилган ҳолда белгиланади;

Институтда ўқиш тўлов-контракт асосида, кундузги, сиртқи ва кечки шаклда амалга оширилади, талабалар ўқиши учун тўлов-контракт маблағлари миқдори муассислар томонидан белгиланади.

3. Муассиснинг ҳар йили ижтимоий ҳимояга мухтож оиласарнинг қобилиятли, иқтидорли ҳамда ўзлаштириш кўрсаткичлари юқори бўлган фарзандлари орасидан танлов асосида бепул (Институт гранти асосида) 10 нафардан кам бўлмаган абитуриентларни ўқишига қабул қилиш мажбуриятларни ўз зиммасига олиши тўғрисидаги таклифи маъкуллансин.

4. Белгилаб кўйилсинки, Институтнинг бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уни ўкув ва лаборатория жиҳозлари, мебель, компьютер техникаси, ўкув ва услубий адабиётлар, шунингдек, бошқа моддий-техник жиҳозлар билан таъминлаш қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилади:

Институт муассислари маблағлари;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари, шунингдек, хорижий ҳамкорларнинг маблағлари;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Институтга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Ёджу технология институти (Корея Республикаси) билан келишилган ҳолда, меҳнат бозори талаблари ва ижтимоий-иктисодий ривожланиш истиқболларидан келиб чиқиб, келгусида янги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш ҳукуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Институт буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар таркиби ва маъмурий ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йиғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Институт буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар таркиби ва маъмурий ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун давлат божи ундирилмасдан, белгиланган тартибда кўп марталик визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш манзиллари бўйича вақтингчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда унинг муддати узайтирилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазири И.У. Маджидов ҳамда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи У.Н. Ташкенбаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. Арипов**

